

СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ  
JOURNAL OF WORD ART  
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА МУҲАББАТ КОНЦЕПТИНИНГ  
ИФОДАЛАНИШИ

**Жамолiddин Якубов,**

ЎзДЖТУ, француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси профессори,  
филология фанлари доктори  
yakubov1955@mail.ru

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

**For citation:** Yakubov J.A. Expressing the concept of "Love" in French and Uzbek texts of tales. International Journal of Word Art. 2018, vol. 1, issue 1, pp. 70-78.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-1-8>

*Келиб тушган сана 15 феврал, 2018*  
*Эълон қилинган сана 20 феврал, 2018.*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада француз ва ўзбек тилларида "муҳаббат" концептининг ифодаланиши таҳлилга тортилган. Тўпланган материаллар асосида француз эртаклари аслиятидан ўзбек тилига ўгирилган матнлар таҳлил қилинган. Ш. Перонинг француз тилидаги эртакларида "муҳаббат" концептининг ўзбек тилига таржима қилинган матнлар қиёсий планда таҳлил қилинган. Таржима жараёнидан қўлланган лексемалар мажмуаси тузилган ва улар лексик-семантик майдон доирасида қўлланилиши кузатилган ва лексемаларнинг таржимадаги ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Ушбу мақоланининг моҳияти яна шундан иборатки, биринчидан, мақолада, функционал ёндашиш орқали "муҳаббат" концептининг ноқардош тилларда (француз ва ўзбек) лексик ифодаси ўрганилса, иккинчидан, француз ва ўзбек эртақ матнларида лексемалар (модал воситалар)нинг таржима қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Лингвистик ёндашиш жараёнида лексемаларнинг семантик ҳолатлари ёрқин кўрсатилган ва лексик-семантик майдон доирасида "муҳаббат" тушунчасининг ифодаланиши модаллик категорияси сифатида талқин этилган. Асосий модаллик категориясини ифодаловчи воситалар қуйидагилар: морфологик категория - феъл майли, модал феъллар, модал равишлар ва юкламалар, модал маънони ифодаловчи қўшимчалар, просодик воситалар, модал маънони берувчи модал сўзлар компоненти.

**Калит сўзлар:** концепт, категория, сема, модаллик, когнитив, муҳаббат, субъект, объект, предикат, эртақ, ҳис-туйғу, имперфект, презенс, индикатив, императив, истак, мумкинлик, зарурият, темпораллик, пассив, шарт, инкор, воқелик, қиёс, майл, интенсивлик, аксиологик, чоғиштирма.

## СПОСОБЫ ВЫРАЖЕНИЯ КОНЦЕПТА "ЛЮБОВЬ" ВО ФРАНЦУЗСКОМ И УЗБЕКСКОМ ТЕКСТАХ СКАЗОК

**Жамолиддин Якубов,**

доктор филологических наук, профессор УзГУМЯ

---

### АННОТАЦИЯ

---

В статье рассматриваются способы выражения концепта "любовь" во французском и узбекском языках. На фактическом материале анализируются возможности непосредственного перевода текстов французских сказок на узбекский язык. Проводится анализ перевода концепта "любовь" французских текстов сказок Ш. Перро в сопоставлении с их узбекскими переводами и устанавливаются списки лексем, репрезентирующих его в рамках лексико-семантических полей, исследуются возможности перевода выявленных лексем.

Сущность понятия данной статьи также определяется спецификой подхода к изучению лексической репрезентации концепта "любовь" в неродственных языках (французском и узбекском), с одной стороны, а с другой стороны, анализом специфики переводов выявленных лексем на материале сказок текстов.

Показывается очевидность использования лингвистического подхода для выявления лексем, представляющих категории модальности "любовь" в рамках лексико-семантических полей. Базовыми средствами выражения модальности являются: морфологическая категория наклонения глагола, модальные глаголы, модальные наречия и частицы, аффиксы с модальным значением, просодические средства модальности, средства организации модальности текста, а также слова с модальным компонентом в значении.

**Ключевые слова:** концепт, категория, сема, модальность, когнитив, любовь, субъект, объект, предикат, сказка, чувство, имперфект, презенс, индикатив, императив, желание, возможность, необходимость, темпоральность, пассив, условие, отрицание, событие, сравнение, наклонение, интенсивность, аксиологический, сопоставление.

---

## EXPRESSING THE CONCEPT OF "LOVE" IN FRENCH AND UZBEK TEXTS OF TALES

**Jamoliddin Yakubov,**

doctor of philological sciences, professor of the Uzbekistan State world languages university

---

### ABSTRACT

---

The article deals with ways of expressing the concept of "love" in French and Uzbek. On the actual material, the possibilities of direct translation of the texts of French fairy tales into the Uzbek language are analyzed. The analysis of the translation of the concept of "love" of the French texts of S. Perrot's fairy tales in comparison with their Uzbek translations is carried out and lists of lexemes representing it within lexico-semantic fields are established, the possibilities of translating the revealed lexemes are explored.

The essence of the concept of this article is also determined by the specific approach to the study of the lexical representation of the concept of "love" in unrelated languages (French and Uzbek), on the one hand, and on the other hand by the analysis of the specifics of translations of the revealed lexemes on the material of fairy tales.

The evidence of the use of the linguistic approach for revealing lexemes representing the categories of the "love" modality within the framework of lexico-semantic fields is shown. The basic means of modality expression are: the morphological category of the verb inclination, modal verbs, modal adverbs and particles, affixes with a modal meaning, prosodic modality means, means of modality of the text, and words with a modal component in the meaning.

**Keywords:** concept, category, seme, modality, cognitive, love, subject, object, predicate, fairy tale, feeling, imperfect, presence, indicative, imperative, desire, possibility, necessity, temporality, passivity, condition, negation, event, comparison, inclination, intensity, axiological, comparison.

Таъкидлаш лозимки, француз ва ўзбек эртақларида кўтарилаётган муаммоларда яна биттаси - бу **муҳаббат** тушунчаси бўлиб, у концептми ёки категориями деган саволга жавоб бериш лозим. Француз эртақларини таҳлил қилар эканмиз, "**Соҳибжамол қиз ва бадбашара йигит**"<sup>1</sup>, "**Кўк соқол**"<sup>2</sup>, "**Кокилдор Рика**"<sup>3</sup>, "**Эшак териси**"<sup>4</sup>, каби эртақларда инсон учун энг олий ва энг нозик туйғу муҳаббат семаларининг ифодаланганини ҳис қиламиз. Ушбу эртақларнинг когнитив ва лингвистик таҳлилига ўтишдан олдин муҳаббат концепти ҳақида баъзи мулоҳаларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, инсоннинг ҳиссий туйғусини, муҳаббатини ҳам концепт, ҳам категория деб олиш мумкин. "Муҳаббат" концепти ўз ичига қуйидаги турли хил объектларни қамраб олади: романтик муҳаббат, ота-онага муҳаббат, муסיқага муҳаббат, она ватанга муҳаббат ва ҳ.к.

Мазкур концептнинг икки катта асосий кўринишини ажратиш лозим: 1) *Бирор кимга бўлган муҳаббат*, 2) *Бирор нарсага бўлган муҳаббат*.

Бу икки асосий кўриниш аниқ лисони бирликларда ўз аксини намойиш қилинишини қуйидаги ибораларда кўришимиз мумкин:

1. Бирор кимга бўлган муҳаббат ўз ичига қуйидаги когнитив семаларни олади: тирик жонзод - муҳаббати, муҳаббат- тирик жонзотнинг қалби-юраги: Мас: "*яхши кўриш, ўз қалбини-юрагини йўқотиш*" *avoir le coeur pris*); "*бирор кимни севиб қолиб, унинг қалбини мафтун қилиш*" (*charmer le coeur*); "*яхши кўриш, муҳаббат туйғусини ўз қалбида олиб юриш*" (*porter dans son coeur*).

2. Бирор конкрет нарсани севиш ўз ичига қуйидаги семаларни қамраб олади:

*муҳаббат-аланга, муҳаббат- предмет, муҳаббат-уруш, муҳаббат-метал ва бошқ.*

Биз муҳаббат концептининг турли қирраларини янада батафсил очиб бериш мақсадида француз тили луғатларига мурожаат қилдик. Petit Larousse 2000, Grand Larousse 2002-изоҳли луғатларида муҳаббат концептини ифодоловчи қуйидаги маънолар ўз аксини топган: **Бирор мавҳум нарсага муҳаббат: муҳаббат-баҳо:** "муҳаббат инсоннинг ички тана аъзоларидек азиз" (франц. *aimer qn comme ses (petits) boyaux*); "муҳаббат инсон кўзидек азиза" (франц. *aimer qn comme (plus que) ses yeux*; *aimer qn comme les yeux de la tête*),

**муҳаббат-қудратли куч:** "муҳаббат эшакни ҳам ўйнашга мажбур қилади" (*L'amour apprend aux ânes à danser*); "муҳаббат қийинчиликларни бартараф этади" (франц. *L'amour rapproche les distances*): "муҳаббат ҳар қандай ёшни ўзига мафтун қилади" (*L'amour est de tous les âges*);

**муҳаббат-бирор нарсага мажбур қилади:** "мени яхши кўрсанг, итимни ҳам яхши кўр" (*qui m'aime, aime mon chien*); "ким мени яхши кўрса, орқадан юрсин" (*qui m'aime me suit*);

**муҳаббат-заифлик, касаллик, жароҳат:** "муҳаббат туфайли касал бўлмоқ", "муҳаббат-касаллиги" "бирор кимга нисбатан ўзининг заифлигини ҳис қилмоқ" (франц. *Avoir un faible pour qn*); *tomber amoureux*);

**муҳаббат-бирор нарсани унутмаслик:** "эски муҳаббат зангламайди" (*vieille amitié ne craint pas rouille*); "кимки севса, у унутмайди" (*qui bien aime tard oublie*);

**муҳаббат-омадлилик:** "карта ўйинидан омади келмоқ - муҳаббатдан омади келмаслик" (*heureux au jeu, malheureux en amour*);

1. Соҳибжамол қиз ва бадбашара йигит - Жаноб Сегэннинг эчкиси. Франсуз адибларининг эртақлари (Фр. тилидан М. Холбеков тарж). - Т. 1989.

(Beauty and beast - Mr. Segen's goat. - Т. 1989.)

2. Кўк соқол. - Жаноб Сегэннинг эчкиси. - Т. 1989.

(Blue beard. - Mr. Segen's goat. - Т. 1989.)

3. Кокилдор Рика - Жаноб Сегэннинг эчкиси - Т. 1989.

(Rika with braids - Mr. Segen's goat - Т. 1989)

4. Эшак териси - Жаноб Сегэннинг эчкиси. - Т. 1989.

(The skin of the donkey is Mr. Segen's goat. - Т. 1989.)

**муҳаббат-камбағаллик-** очарлик: "муҳаббат ва ночорлик бир-бири билан яхши уйғунлашмайди" ( L'amour et la pauvreté font ensemble mauvais ménage);

**муҳаббат-айрилиқ:** "айрилиқ муҳаббатни мустаҳкамлайди", "айрилиқ муҳаббатни поймал қилади" (l'absence est l'ennemi de l'amour);

**муҳаббат-гўзаллик:** "хунук муҳаббат бўлмайди" (il n'y a point de laides amours - il n'y a point de belles prisons ni de laides amours);

**муҳаббат-телбалик ёки аҳмоқлик:** être fou de; être toqué de qn).

Юқоридаги лисоний бирликлардан кўринадики, муҳаббат концептига ўзаро мазмун жиҳатидан яқин бўлган бошқа концептлардан бир-бири билан кесишадиган марказий нуқтани топиш зарур. Масалан: "Муҳаббат" концептини марказ деб олсак, у субъектнинг объектга бўлган кучли муҳаббат туйғуси бўлиб, мазкур концепт қуйидаги концептлар билан ўзаро муносабатда бўлиб, битта нуқтада кесишиши мумкин: *"истак-тилак"*, *"нафс-ҳирс"*, *"қизиқиш"*, *"ҳурмат"*, *"завқланиш"*, *"дўстлик"*, *"мафтун бўлиш"*, *"таассурот"* каби.

Санаб ўтилган концептлар орасида романтик муҳаббат ўз ўрнида субкатегорияни ташкил қилиб, у мумкин бўлган ҳамма объектларни характерлаб келиш билан бирга, у "романтик муҳаббат" туйғуси изоҳли луғатларда (Petit Larousse 2000, Grand Larousse 2002) ўзининг турли хил маъноларни англатишини талаб қилади. Масалан, эркак кишининг аёлга муҳаббати ёки аёл кишининг эркак кишига муҳаббати, биринчи муҳаббат, бир кўришда севиб қолиш, жавобсиз муҳаббат, ошиқлик, шаҳвоний муҳаббат, соф муҳаббат, эҳтиросли муҳаббат, бир-бирини севиш.

Санаб ўтилган объектлар ҳаммаси ягона муҳаббат семасини ташкил этади. Ҳамма ушбу объектлар умумий категорияни ҳосил қилади ва улар ўз ўрнида реал ҳаётдан олинган мисоллар буни аниқ акс эттиради. Масалан, *"Соҳибжамол қиз ва бадбашара"*

*йигит"*, *"Кўк соқол"*, *"Кокилдор Рика"*, *"Эшак териси"* ва ҳ.к.

Ушбу муҳаббат турлари қуйидаги когнитив семалардан фарқ қилади: ҳурмат, дўстлик, завқ олиш-қойил қолиш, қадрлаш, шунингдек ҳиссиётларнинг пайдо бўлиши ўзаро яқин тушунчалардан фарқ қилади. Мас., *ичимликка хирс кўйиш(доимий одат)*, *гўшти яхши кўриш(мазза қилиш)*, *ўйинни яхши кўриш(кучли эҳтирос)* каби.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, марказий объект сифатида бу ерда муҳаббат кўплаб вербал лисоний бирликлар билан ифодаланади. Масалан, Petit Larousse 2000, Grand Larousse 2002 изоҳли луғатларида қуйидаги лисоний бирликлар "муҳаббат" концептини ифодалаш учун хизмат қилади: *adorer, aimer à la folie, aimer an comme (plus que) ses yeux, aimer qn comme les yeux de la tête (pop.), aimer qn comme ses (petirs) boyaitx (pop.), avoir une veritable adoration pour qn, être passionne de (pour) qn, tenir à qn par de fortes attaches.*

Биз Лепренс де Бомоннинг *"Соҳибжамол қиз ва бадбашара йигит"*, эртаги билан Ш. Перронинг *"Кўк соқол"*, *"Кокилдор Рика"*, *"Эшак териси"* каби эртақларида ифодаланаётган ҳис-туйғуларни муҳаббат концепти деб эмас, балки "Романтик муҳаббат" категорияси деб олган мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ушбу эртақларда муҳаббат тушунчаси мазмун жиҳатдан бир оз чегараланиб, икки ёш орасидаги муносабатларни аниқлаб семантик категорияни ташкил этмоқда. Масалан, Лепренс де Бомоннинг *"Соҳибжамол қиз ва бадбашара йигит"* эртагида муҳаббат категориясининг қандай лисоний воситалар билан ифодаланишини тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз.

Биз мақолада муҳаббат категориясини модаллик категорияси сифатида қабул қиламиз. Ушбу семантик категория қандай лисони бирликлар ёрдамида ифодаланишини таҳлил қиламиз ва қуйидаги француз ва ўзбек эртақлари матнини таҳлилга тортамиз.

Модаллик турлари	Француз тили <sup>1</sup>	Ўзбек тили <sup>2</sup>
Истак, ҳолат	1. Ses deux filles aînées répondirent qu'elles ne <b>voulaient</b> pas quitter la ville et qu'elles connaissaient des jeunes qui seraient trop heureux de les épouser.	1. Иккита катта қизи қишлоққа бормасликларини, шу ерга уларга <b>уйланмоқчи</b> бўлиб юрган савдогар йигитларга турмушга <b>чиқмоқчи</b> эканликларини айтишибди.
Истак, тўсиқсиз, мумкинлик, ҳолат, зарурият.	2. Il y eut même plusieurs gentils hommes qui <b>voulurent</b> l'épouser, quoi qu'elle n'eût pas un sou. Mais elle leur dit qu'elle ne <b>pouvait</b> se résoudre à abandonner son pauvre pure dans son malheur?	2. Бироқ йигитлардан бири дебди: Агар Соҳибжамол менга тегишга <b>рози бўлса, жон-жон</b> деб уйланаман, сепи бўлмаса ҳам <b>майлига</b> . Илтифотингиз учун ташаккур. Аммо мен шундай оғир дамда отамни ташлаб <b>кетолмайман</b> . У билан бирга <b>бўлишим керак</b> .
Инкор, зарурият, ҳолат	3. - Non, ma soeur, lui dirent ses trois frères, vous ne mourrez pas : nous irons trouver ce monstre, nous périrons sous ses coups si nous <b>ne pouvons</b> le tuer.	3. - Йўқ, сингилжон, эътироз билдиришибди унга акалари. - Отамиз ҳам, сен ҳам <b>ўлмаслигинг керак</b> . Биз бориб ўша Бадбашара билан олишамиз ва унинг таъзирини берамиз.
Ҳолат, истак, инкор	4. Il n'y avait que la Belle qui ne pleurerait point parce qu'elle <b>ne voulait pas</b> augmenter leur douleur.	4. Фақат Соҳибжамол йиғидан ўзини тутибди, у ўз ғам ғусасини <b>ошкор қилишни истамабди</b> .
Ҳолат, истак, зарурият, тасдиқ, буйруқ.	5. Elle (La Belle) lui dit un jour: "Vous me <b>chagrinez</b> , la Bête! Je <b>voudrais pouvoir</b> vous épouser, mais je suis tris sincère pour vous faire croire que cela arrivera jamais: je serai toujours votre amie; tâchez de vous contenter de cela.	5. Бир куни кечқурун Соҳибжамол унга дебди: – Сиз мени <b>хафа қиялсиз</b> , азизим. Мен сизни <b>ёқтираман</b> , албатта. Аммо сизга турмушга <b>чиқолмайман</b> . Бунинг учун сизга яхши биласиз. Мен сиз билан бирга бир умрга <b>дўст бўлмоқчиман</b> . Сиз ҳам шунга <b>кўнишингиз керак</b> .
Интенсивлик, ҳолат, истак, инкор.	6. Est-ce sa faute <b>si</b> elle est <b>si</b> laide et <b>si</b> elle a <b>si</b> peu d'esprit? Elle est bonne, cela vaut mieux que tout le reste. Pourquoi <b>n'ai-je pas voulu</b> l'épouser?	6. Ахир, хунук бўлса унинг айби нима? Нега унга турмушга <b>чиқишни истамадим</b> ?

Юқорида берилган мисолларда истак категорияси *vouloir* феъл билан келиб, ушбу феъл имперфект (1,4), ўтган замон (2,4), ҳозирги замон шарт майли замонларида, мумкинлик категорияси эса *pouvoir* феъли ёрдамида имперфект (2), презенс индикатив замонларида қўлланмоқда. Ушбу семантик категориялар билан бирга бошқа семалар, жумладан,

тўсиқсиз, ҳолат ва интенсивлик (*si*) маънолари ҳам гаплар мазмунида ва таркибида мужассам эканлигини кўриб турибмиз.

Ўзбек тилида истак маъносини **уйланмоқчи, чиқмоқчи, ошкор қилишни истамабди, дўст бўлмоқчиман** каби лисоний бирликларда, мумкинлик - **майлига, кетаолмайман, чиқолмайман** бирликлари

1. Jeanne-Marie Leprince de Beaumont. La Belle et la Bête et autres contes. Nouvelle édition revue. P., Paru le 11/01/2017.

(Jeanne-Marie Leprince of Beaumont. Beauty and the Beast and other stories. New revised edition. P., Published on 11/01/2017.)

2. Соҳибжамол қиз ва бадбашара йигит - Жаноб Сегэннинг эчкиси. - Т. 1989.  
(Beauty and beast - Mr. Segen's goat. - Т. 1989.)

асосида, зарурият категорияси эса етакчи феълга **"керак"** сўзини қўшилиш йўли билан қуйидаги ибораларда (**бўлишим керак, ўлмаслигинг керак, кўнишингиз керак**) ўз ифодасини топган.

Ш. Перронинг **"Кўк соқол"** эртаги ҳам муҳаббат ғоялари билан суғорилганини кўришимиз мумкин. 1697-йилги "Она ғоз эртаклари"<sup>1</sup>, тўпламига киритилган Кўк соқол қаҳрамони эртакчи Ш. Перро

туфайли жуда ҳам машҳурдир. У ш б у эртакда эр-хотинлик ва унинг вазифалари мавзусига кўпроқ урғу берилади. Дарҳақиқат, **"Кўк соқол"** ўзига ёр излаётган бир бўйдоқ ва бой кишининг ҳаёти ҳақида.

Ш. Перронинг **"Кўк соқол"** эртагида қандай модаллик категориясининг турлари ва улар қандай йўл билан берилишига эътиборни қаратамиз:

Модаллик турлари	Француз тили <sup>2</sup>	Ўзбек тили <sup>3</sup>
Аксиологик, истак, мумкинлик, инкор	1. Une des ses voisines, dame de qualité, avait deux filles parfaitement belles. Il lui en demanda une en mariage, en lui laissant le choix de celle qu'elle <b>voudrait</b> lui donner. Elles ne <b>voulaient</b> point toutes deux, et se le renvoyèrent l'une à l'autre, <b>ne pouvant</b> se résoudre à prendre un homme qui eût la barbe bleue.	1. Бир бадавлат киши бўлган экан. Шу одамга қўшни хотиннинг бир биридан соҳибжамол икки кизи бор экан. Кўк соқол шу кизларнинг бирига <b>уйланмоқчи</b> бўлибди ва қўшни хотинга <b>истагини билдирибди</b> . Бироқ опа сингиллар бу бадбашара одамга <b>тегишни истамабдилар</b> .
Ман этиш, шарт. Зарурият, ҳолат	2. Je vous <b>défends</b> d'y entrer, et je vous le <b>défends</b> de telle sorte, que, s'il vous arrive de l'ouvrir, il n'y a rien que vous ne <b>deviez</b> attendre de ma colère.	2. Ҳамма хоналар ... ихтиёрингизда, лекин хужрага киришни сизга <b>ман этаман</b> , ёдингизда бўлсин, агар у ерга киргудек бўлсангиз, сизни ҳеч ким ва ҳеч нарса қаҳримдан <b>қутқара олмайди</b> .
Темпораллик, зарурият, истак, илтимос, макон, шарт,	3. Au bout d'un mois, la Barbe-Bleue dit à sa femme qu'il était <b>obligé de faire</b> un voyage en provence, de six semaines au moins, pour une affaire de conséquence; qu'il la pria de se bien divertir pendant son absence; qu'elle fot venir ses bonnes amies; qu'elle les menait à la campagne, si elle le <b>voulait</b> ; que partout en fot bonne chère.	3. Орадан бир ой ўтгач, Кўк соқол рафикасига узоқ вилоятлардан бирига <b>зарур</b> иш юзасидан олти ҳафтага саёҳатга чиқиши <b>зарур бўлиб қолганлигини</b> , у йўғида рафикаси бемалол кўнгил ёзиши, дугоналарини <b>чақиришни иста</b> са, кишлоқдаги чорбоққа олиб бориб, ҳеч нарсани аямай <b>меҳмон қилиш мумкинлигини</b> айтибди.
Зарурият, сабаб, ҳолат, илтимос, темпораллик, реаллик,	4. Après plusieurs remises, il <b>fallut</b> apporter la clef. 5. Il <b>faut mourir</b> , madame, dit-il, et tout à l'heure. – Puisqu'il <b>faut mourir</b> , répondit-elle en le regardant les yeux baignés de larmes, donnez-moi un peu de temps pour prier. 6. Cela ne sert à rien, dit la Barbe-Bleue; il <b>faut mourir</b> !».	4. Уч – тўртта баҳонадан сўнг, аёл калитни келтириб беришга <b>мажбур бўлибди</b> . 5. "Қурбон бўлишингизга <b>тўғри келади</b> , Хоним, - дебди у рафикасига, - ва бу нарса ҳозирнинг ўзидаёқ <b>амалга ошиши керак</b> ". – "Начора, - дебди аёл ёш тўла нигоҳини унга қадаб, - модомики ўлишим аниқ экан, ибодат қилиб олишимга бирт оз вақт беринг". 6. "Фойдаси йўқ, - дебди Кўк соқол, - <b>барибир ўлдираман</b> ".

1. Perrault Ch. Riquet a la Houppe. - pp. 163-175. - Perrault Ch. Contes. - P. 1984.  
(Perrault Ch. Riquet with the Tuft. - pp. 163-175. - Perrault Ch. Fairy tales. - P. 1984.)  
2. Perrault Ch. La Barbe Bleue. - pp. 118-127. - Perrault Ch. Contes. - P. 1984.  
(Perrault Ch. Bluebeard. - pp. 118-127. - Perrault Ch. Fairy tales. - P. 1984.)  
3. Кўк соқол. - Жаноб Сегэннинг эчкиси. - Т. 1989. - Б. 37-43.  
(Blue beard. - Mr. Segen's goat. - Т. 1989. - В. 37-43)

Биз юқорида кўп ҳолларда семантик категориялар истак *vouloir*, мумкинлик *pouvoir*, зарурият *devoir* феъллари билан келганлигини кузатдик. Берилган мисоллардан кўринадики, француз тили гапларида, масалан, зарурият маъноси фақат *devoir* феъли билангина эмас, балки феълнинг шахссиз шакли **Il faut** ёрдамида (4,5,6) ҳам ифодаланиши мумкин. *Falloir* феълига хос грамматик хусусият шуки, у фақат учинчи шахс бирликда тасдиқ ёки инкор шаклида қўлланиши мумкин. Учунчи мисолда зарурият категорияси *oblige de faire* қурилмаси билан берилиб, у *devoir* ва *Falloir* феълларига синоним ҳисобланади. Мисолларда зарурият маъносидан ташқари *ман этиш, тақиқлаш* икки марта **défends** (2) феъли билан, шунингдек темпораллик, шарт, инкор, маслаҳат каби маънолар уйғунлашиб, гапларнинг семантик хусусиятларини очиқ бераётганлигини айтиш мумкин.

Ўзбек тилида эса юқоридаги фикрлар асосида заруриятни англатувчи қуйидаги бирликлар **зарур бўлиб, мажбур бўлибди, ошиши керак, ман этаман** феълнинг аналитик шакли эса таъқиқ маъноларини ифодаламақда.

Мисолларда зарурият маъноси шахссиз феъл шакллари билан ифодаланиб, умумлашган зарурият типини ташкил қилади. Мисолларда феълларнинг аниқлик нисбати қўлланган бўлиб, зарурият категорияси буйруқ тарзида берилган.

Француз ва ўзбек тилларида зарурият категорияси фақатгина содда гап таркибида келмасдан, балки турли хил эргаш гапларда, жумладан, сабаб эргаш гапли

қўшма гапда (5) ҳам ифодаланиши мумкин. Сабаб эргаш гаплар бош гапга турли хил боғловчи ва боғловчи иборалар ёрдамида боғланиб, эргаш гапдаги ҳаракатнинг юз бериш сабабини аниқлаб келса, бош гап эса унинг натижасини кўрсатади. Француз эртак гапларида қўлланадиган сабаб эргаш гап бош гапдаги ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юзага келишидаги тахминий сабабини кўрсатиши ҳам мумкин. Француз эртак матнларида сабаб эргаш гаплар бош гапга содда боғловчи *puisque* билан боғланиб, бош гап эргаш гапдан кейин келган. Сабаб эргаш гапли қўшма гапларда зарурият категориясини ифодаловчи **Il faut** феъли презенс индикатив бош гап ва эргаш гапда қўлланиб, бир пайтда бўлаётган ҳаракатни ифодалайди. Сабаб эргаш гапли қўшма гапда турли семантик маънолар, жумладан, пайт *et tout à l'heure, un peu de temps* ва буйруқ (*donnez-moi*) маънолари намоён бўлади.

Ўзбек тилида зарурият категориясининг сабаб эргаш гапли қўшма гапда қўлланишида субъектив эга вазифасида феълнинг шахссиз ва пассив нисбатларда ишлатилган мисолларда зарурият маъноси билан бирга ҳолат маънолари ҳам мавжуддир.

Навбатдаги эртак ҳам гўзал туйғуларни ўзида ифодаловчи муҳаббат категориясига бағишланган эртак **"Кокилдор Рике"** деб номланиб, унинг муаллифи Ш. Перро ҳисобланади. Биз қуйидаги мисолларда севги ҳиссиётларини ўзида акс эттирувчи гапларни лингвистик таҳлил қиламиз ва уларда модаллик категориясининг қандай лисоний бирликлар билан келишини изоҳлаб ўтамыз.

Модаллик турлари	Француз тили <sup>1</sup>	Ўзбек тили <sup>2</sup>
Мумкинлик, истак, Руҳий, жисмоний, айлӣ ҳолат	1. - Je <b>ne puis rien</b> pour elle, madame, du coté de l'esprit, lui dit la fée mais; je <b>puis</b> tout du coté de la beauté, et comme il n'y a rien que je <b>ne veuille</b> pour votre satisfaction, je vais lui donner pour don de <b>pouvoir</b> rendre beau ou belle la personne qui lui plaira.	1. “Ақл масаласида унга ёрдам беришга <b>ожизман</b> . Маликам, - дебди унга пари. – Лекин кўнглингизни кўтариш учун шуни <b>айтишим мумкинки</b> , қизингизга ўзига ёққан кимсани чиройли қила олиш фазилатини ато қиламан.
Темпораллик, интенси́влик, аксиологик, мумкинлик, истак	2. Cependant il en vint un <b>si</b> puissant, <b>si</b> riche, <b>si</b> spirituel et <b>si</b> bien fait, qu'elle <b>ne put</b> s'empêcher d'avoir de <b>la bonne volonté</b> pour lui.	2. Кунларнинг бирида <b>жуда бадавлат, қудратли</b> ва <b>оқил</b> шахзода тўнғич маликага уйланиш <b>истагини билдирибди</b> .
Ҳолат, мумкинлик, тўсиксиз, гўзаллик	3. “Je ne comprends pas, madame, comment une personne aussi belle que vous l'êtes peut être aussi triste que vous paraissez : car, quoique je <b>puisse</b> me vanter d'avoir vu une infinité de belles personnes, je <b>puis</b> vous dire que je n'en ai jamais vu dont la beauté approche de la votre.	3. “Сиздек соҳибжамолнинг паришон эканлиги мени хайратга соляпти, маликам. <b>Айтишим керакки</b> , гўзалларнинг кўпини кўрганман, лекин уларнинг ичида сизга тенг келадиганини учратмаганман”.
Интенси́влик, зарурият, мумкинлик	4. “La beauté, reprit Riquet à la Houppe, est un <b>si</b> grand avantage, qu'elle <b>doit</b> tenir lieu de tout le reste ; et quand on la possède, je ne vois rien qui <b>puisse</b> vous affliger beaucoup”.	4. “Гўзаллик шундай хислатки, – деб давом этибди Кокилдор Рике, – у барча фазилатларнинг ўрнини <b>боса олади</b> , бинобарин паришон бўлишингизга сира <b>асос йўқ</b> .”
Шарт, мумкинлик	5. Si ce n'est que cela , madame, qui vous afflige, je <b>puis</b> aisément mettre fin à votre douleur.	5. “Маликам, сизни паришон қилаётган нарса шугина бўлса, ушбу иллатдан осонгина <b>халос қилишим мумкин</b> ”.
Эгалик, зарурият, истак, мумкинлик	6. - J'ai le pouvoir, madame, dit Riquet à la Houppe, de donner de l'esprit autant qu'on en saurait avoir, à la personne que je <b>dois</b> aimer le plus, et comme vous êtes, madame, cette personne, il ne tiendra qu'à vous que vous ayez <b>autant d'esprit</b> qu'on en <b>peut avoir</b> , pourvu que vous <b>voulez</b> bien m'épouser.	6. – Мен, Маликам, ўзимга ёққан кимсага етарли даражада ақл-фаросат бериш <b>хислатига эгаман</b> , - дебди Кокилдир Рикэ. – Сизга ошиқ эканлигимни <b>хисобга олсак</b> , буёғи ўзингизгагина боғлиқ, яъни менга турмушга чиқишга <b>рози бўлсангиз бас</b> ”.
Императив	7. Ayant prêté l'oreille plus attentivement, elle out que l'un disait: « <b>Apporte-moi</b> cette marmite», l'autre: « <b>Donne-moi</b> cette chaudière», « <b>Mets</b> du bois dans ce feu».	7. Малика хиёл энгашиб қулоқ тутибди ва кимларнингдир: “ <b>Қозонни олиб келинглар</b> ”, “ <b>Сув иситинглар</b> ”, “ <b>Ўчоққа ўт ёқинглар</b> ”, – деган гапларини эшитибди.

1. Perrault Ch. Riquet a la Houppe. - pp. 163-175. - Perrault Ch. Contes. - P. 1984.  
(Perrault Ch. Riquet with the Tuft. - pp. 163-175. - Perrault Ch. Fairy tales. - P. 1984.)  
2. Кокилдор Рика - Жаноб Сегэннинг эчкиси- Т. 1989. . - Б. 43-47.  
(Rika with braids - Mr. Segen's goat - Т. 1989. - В. 43-47.)



Юқоридаги мисолларда бир неча эргаш гапларни турларини кўриш мумкин. Масалан, тўлдирувчи (1-5), тўсиқсиз(3), пайт (4), шарт (5,6), қиёсий (6) эргаш гаплар турли хил лексик воситалар, жумладан, боғловчи ва иборали боғловчилар билан ифодаланган. Қиёс эргаш гапда бир ҳаракат билан иккинчи ҳаракат, бир воқеа билан иккинчи воқеа, бир шахс билан иккинчи шахс чоғиштирилган. Қиёслаш бош гапдаги ҳаракатга нисбатан бўлган. Француз эртақ эргаш гапдаги ҳаракат ёки белги бош гапдаги ҳаракат ёки белгига чоғиштирилади. Бундай ҳаракат қиёслаш, таққослаш орқали амалга ошади.

Қиёс эргаш гапли қўшма гап француз тилида *comme*, **si**, **autant que** (2) боғловчи ибора билан қўлланиб, эргаш гап бош гапга грамматик жиҳатдан боғланиб, бош гап эргаш гапдан олдин ва кейин келган. Гаплардаги **si** сўзининг қўлланиши, бир томондан, маънони ўта кучайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, шахснинг руҳий ва биологик хусусиятини қиёслаб, излҳдаб бермоқда. Берилган мисолда қиёс эргаш гапли қўшма гап **autant que** (6) боғловчи ибора билан шаклланиб, миқдор-даража маъносини англатади. Олтинчи гапнинг эгаси кишилиқ олмоши билан, иккинчи гапнинг эгаси эса он гумон олмоши билан берилган. Мисолларда ҳар хил грамматик замон қўлланган. Масалан, юқоридаги мисолларда бош гап презенс индикатив майлида, эргаш гап эса презенс истак майлида келган. **Еттинчи** гап эса юқоридаги мисоллардан ўзининг модаллик хусусияти билан бутунлай фарқ қилади. Ушбу гапда императив майли иккинчи шахс бирликда қўлланиб, иш-ҳаракатни амалга ошириш учун феълнинг буйруқ шакллари **"Apporte-moi, Donne-moi, Mets"** қўлланмоқда. Ўзбек тилида эса буйруқ

модаллик категорияси иккинчи шахс кўпликда намоён бўлмоқда.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ўзбек тилида модаллик категорияси турли хил лексик воситалар билан, масалан, **мумкинлик - ожизман, айтишим мумкинки, боса олади, халос қилишим мумкин**, истак-истагини билдирибди, **рози бўлсангиз бас**, зарурият - **керакки**, интенсивлик, аксиологик ва чоғиштира (сифатлар ёрдамида) - **жуда бадавлат, қудратли, оқил**, эгалиқ - **хислатига эгаман** каби категориялар эргаш гапли қўшма гаплар орқали берилган. Чоғиштира эргаш гапда миқдор-даражани ифодаловчи беҳисоб сўзлари қиёслаш маъносини очиб беришга хизмат қилган. Мисолда зарурият категорияси феълларнинг ҳаракат номи **мумкин** лексик воситаси билан ифодаланган. Чоғиштира эргаш гап таркибида яна шарт, истак маънолари ҳам бўлиб, улар -са феъл шакли орқали, семантик категорияси эса **мумкин** модал сўзи ёрдамида амалга оширилган. Чоғиштира эргаш гапли қўшма гапда субъектнинг ички ҳолати, талаби-зарурияти мавжуд бўлиб, улар келаси замон феъл шакллари орқали берилган.

Шундай қилиб, Ш. Перронинг Кокилдор Рике эртагининг француз матнлари 89-90 бетлари, ўзбек матнларининг 69-70 саҳифаларида биз юқорида таҳлил қилаётган мумкинлик, истак ва зарурият категорияларининг ифодаловчи модал феъллар кўплаб ўз ифодасини топганлиги аниқланди. Бизнинг назаримизда, бунинг асосий сабаби шуки, ушбу саҳифаларда диалогик матнларнинг кўпроқ қўлланганлиги ва у ерда кетма-кет савол-жавобларнинг берилиши модал феълларнинг узлуксиз-кўпроқ ифодаланишига сабаб бўлганлиги кузатилди.